

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**3 ЖИЛД, 4 СОН**

---

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**ТОМ 3, НОМЕР 4**

---

## **LOOK TO THE PAST**

**VOLUME 3, ISSUE 4**



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Мургазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Ҳамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнура Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доценти,  
тарих фанлари номзоди*

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


<b>1.Доно Зияева</b> XIX АСР БУХОРО АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИСЛОҲОТЧИЛИК FOЯЛАРИ.....	4
<b>2.Шоҳистахон Ўлжаева, Нодира Алимұхамедова</b> РАҚАМЛИ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ТИЗИМИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ.....	10
<b>3.Муродилла Ҳайдаров</b> ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ АСОСЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	19
<b>4.Гулнора Гулямова</b> XV-XVI АСРЛАРДА ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	28
<b>5.Арслон Нафасов</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ.....	36
<b>6.Ойбек Остонов</b> ЗАРАФШОН ВОҲАСИ АҲОЛИСИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ (XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИ).....	44
<b>7.Умиджон Усаров</b> XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЕР-СУВ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АҲВОЛИ.....	60
<b>8.Зиёдулла Холбоев</b> ҚАЛИЯТЕПА ЁДГОРЛИГИДА 2019 ЙИЛ ОЛИБ БОРИЛГАН ДАСТЛАБКИ ҚАЗУВ ТАДҚИҚОТЛАР ХУСУСИДА.....	71
<b>9.Davlatbek Qudratov</b> ИККИНЧИ ЈАНОН URUSHI ХОТИРАСИНИ АСРАВ-АВАЙЛАШ YOSHLARNI TARBİYALASHDA TUTGAN O'RNI.....	83
<b>10.Гўзал Раззоқова</b> ДИНИЙ ХАЛФАЛАРНИНГ ХОРАЗМ ХАЛИФАЧИЛИГИДАГИ ЎРНИ.....	89
<b>11.Дилшода Рўзиева</b> ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИ - МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА.....	96
<b>12.Сафарали Қўшоқов</b> ЧОРВАДОР ҚАБИЛАЛАР ДАФН МАРОСИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	104

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Умиджон Усаров Абдимавлянович,  
Ўзбекистон Миллий университети  
Ўзбекистон тарихи кафедраси  
таянч докторанти  
umidjon.usarov@mail.ru

## ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - ХХ АСР БОШЛАРИДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЕР-СУВ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АҲВОЛИ

*For citation: Umidjon Usarov Abdimavlyanovich, THE CONDITION OF LAND AND WATER RELATIONS IN THE SIRDARYA REGION IN THE SECOND HALF OF THE XIX - THE BEGINNING OF THE XX CENTURIES. Look to the past. 2020, vol. 4, issue 3, pp. 60-70*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-4-7>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Россия империясининг Туркистон ўлкаси, хусусан, Сирдарё вилоятидаги олиб борган аграр сиёсатида ер-сув муносабатларининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган. Унда, вилоятнинг ташкил этилиши, у ерда мустамлака бошқарув тизими ўрнатилгандан сўнг ўлкадаги ер эгаллиги турлари ва мулкчилик муносабатларидаги ўзгаришлар, жумладан барча ерларни давлат мулки дея эълон қилиниши ҳамда бу муносабатлар мустамлакачи империя манфаатларига мослаштирилиши борасидаги империя ҳукумати олиб борган сиёсатининг оқибатлари очиб берилган. Мақолада Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш анъаналари, суғорма деҳқончилик қилинадиган ва суғорилмайдиган ерларнинг майдони ҳамда уларнинг тоифалари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, мақолада вилоятнинг суғориш тизими, асосий сув манбаси бўлган Сирдарё ва унга қўшиладиган Чирчиқ, Ангрэн, Келес, Арис каби ирмоқлари ҳамда бир қанча катта-кичик суғориш тармоқлари, сув иншоотларининг ҳолати ва турлари, маҳаллий миршикорларнинг суғорма деҳқончилиқда сувдан фойдаланиш усуллари ҳақида сўз борган. Мақола ўрганилаётган даврга оид манбалар, архив хужжатлари маълумотлари, статистик материаллар ва илмий адабиётлар таҳлили асосида Сирдарё вилояти иқтисодий ҳаёти асоси бўлган ер-сув муносабатларининг аҳволи ёритиб берилди.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, ер эгалиги, мулк, амлок, мулки холис, вақф ерлари, сугорма деҳқончилик, сугориш тизими, дарё, ариқ, сугориш, булоқ, ирмоқ, лалми.

**Умиджон Усаров Абдимавлянович,**  
базовый докторант  
кафедра "История Узбекистана"  
Национальный университет Узбекистана  
umidjon.usarov@mail.ru

## **СОСТОЯНИЕ ЗЕМЕЛЬНО - ВОДНЫХ ОТНОШЕНИЙ В СЫРДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ**

### **АННОТАЦИЯ**

В данной статье анализируются особенности земельно-водных отношений в аграрной политике Российской империи во второй половине XIX и начале XX вв. В Туркестанском регионе, в частности, в Сырдарьинской области. Это объясняет влияние политики имперского правительства на создание провинции, изменения в правах собственности на землю и отношениях собственности после установления колониального господства в стране, включая объявление всех земель в качестве государственной собственности и приспособление этих отношений к имперским интересам. В статье представлена информация о традициях сельско хозяйственного землепользования в Сырдарьинской области, площади и категориях орошаемых и неорошаемых земель. В статье также обсуждается ирригационная система провинции, ее основной источник воды - Сырдарья и прилегающие ручьи, такие как Чирчик, Ангрен, Келес, Арис, а также несколько крупных ирригационных сетей, состояние и типы водных сооружений, а также то, как местные водопользователи используют воду для орошаемого земледелия. В статье на основе анализа источников, архивных документов, статистических материалов и научной литературы за рассматриваемый период описывается состояние земельно-водных отношений, составляющих основу хозяйственной жизни Сырдарьинской области

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, землевладение, собственность, амляк, мюлки халис, вакуфные земли, орошаемое земледелие, ирригационные системы, река, арык, орошение, ключ, ручей, богарные земли.

**Umidjon Usarov Abdimavlyanovich,**  
PhD researcher of "Uzbekistan History"  
department of the National University of Uzbekistan  
umidjon.usarov@mail.ru

## **THE CONDITION OF LAND AND WATER RELATIONS IN THE SIRDARYA REGION IN THE SECOND HALF OF THE XIX - THE BEGINNING OF THE XX CENTURIES**

**ABSTRACT**

This article analyzes the features of land-water relations in the agrarian policy of the Russian Empire in the second half of the XIX and early XX centuries in the Turkestan region, in particular, in the Syr Darya region. This explains the influence of the policy of the imperial government on the creation of the province, changes in land ownership rights and property relations after the establishment of colonial domination in the country, including the declaration of all lands as state property and the adaptation of these relations to imperial interests. The article provides information on the traditions of agricultural land use in the Syr Darya region, the area and categories of irrigated and non-irrigated lands. The article also discusses the provincial irrigation system, its main source of water - the Syr Darya and adjacent streams, such as Chirchik, Angren, Keles, Aris, as well as several large irrigation networks, the status and types of water structures, as well as how local water users use water for irrigated agriculture. Based on an analysis of sources, archival documents, statistical materials and scientific literature for the period under consideration, the article describes the state of land-water relations, which form the basis of the economic life of the Syrdarya region.

**Index Terms:** agriculture, land tenure, property, amlyak, muli khalis, wakuf lands, irrigated agriculture, irrigation systems, river, irrigation ditch, irrigation, key, stream, rainfed land.

---

**1. Долзарблиги:**

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошалаб, Россия империяси Ўрта Осиё хонликларига тегишли бўлган ҳудудларни эгаллаб олиши натижасида, бу ҳудудда мустамлака бошқарув тизимини ўрнатиб, империя ҳукумати босиб олинган ҳудудларда ўз манфаатлардан келиб чиққан ҳолда мустамлакачилик сиёсати олиб борди. Бу эса, барча соҳалар каби қишлоқ хўжалигида ер-сув муносабатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Россия империяси Туркистон ўлкасини босиб олишдан асосий мақсадларидан бири ўлкани арзон маҳсулот етказиб берувчи хамашё манбаи базасига айлантириш бўлиб, бу йўлда империя ҳукумати биринчи навбатда ўлкадаги ер-сув муносабатларини тартибга солиш керак эканлигини яхши англади. Шу мақсадда, мустамлака тизими ўрнатилган дастлабки кунлардаёқ Россия империяси расмий амалдорлари ўлкадаги аграр муносабатларини, хусусан ер эгаллиги ва суғориш тизимини тартибга солиш ҳамда унинг назоратини ўз қўлига олиш борасидаги сиёсатини юритишга ҳаракат қилди. Натижада, бу асрлар давомида шаклланиб келган ер эгаллиги муносабатлари ва суғориш тизимидаги ўзгаришларнинг юз бериши, асосий машғулоти суғорма деҳқончилик бўлган Туркистон ўлкаси, хусусан, Сирдарё вилояти маҳаллий аҳолисининг деҳқончилик анъаналари ҳамда турмуш тарзига жиддий таъсир кўрсанган. Шу боисдан бугунги кунда мавзуга оид бир қатор илмий изланишлар натижалари таҳлили асосида ўша даврга тегишли ўлкадаги, хусусан Сирдарё вилоятидаги ер-сув муносабатларининг аҳолини ёритиш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

**2. Методлар ва ўрганилиш даражаси:**

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Туркистон ўлкаси, хусусан, Сирдарё вилоятининг ер-сув муносабатларини ўрганиш ҳар бир даврда тадқиқотчилари учун қизиқарли мавзулардан бири бўлиб келган. Шунинг учун ҳам мазкур масаларни ўрганиш бўйича бир қатор фан соҳаси вакиллари, жумладан, тарихчи, шарқшунос, гидролог, табиъатшунос, географ ва бошқа соҳа мутахассислари доимий илмий тадқиқот олиб борган. Булар қаторига

А.И.Шахназаров (1908), Н.Н.Александров (1916), Н.Дингельштедт (1893), В.Юферов (1911), З.Д. Кастельская (1980), А.М.Юлдашев (1969), М.Ю.Юнусходжаева (1970), А.Қодиров (1998), Ҳ. Зиёев (2000, 2006) ва бошқа муаллифларнинг асарлари ҳамда илмий тадқиқот ишларини киритиш мумкин. Хусусан, бу муаллифларнинг асарларида XIX асрнинг охири - XX аср бошларидаги Сирдарё вилоятининг табиий географик жойлашуви, маъмурий-худудий тузилиши, ер майдони, иқлими, суғориш тизими, сув хўжалиги, сувдан фойдаланиш тартиблари, суғориш техникаси, тупроғи, асосий суғориш манбалари ва тармоқлари, ерга эгалик қилиш турлари, ердан фойдаланиш усуллари, қишлоқ хўжалиги меҳнат қуроллари, экин турлари, лалми деҳқончилик ҳамда вилоятда пахтачиликнинг ривожланиши ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилган.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Россия империяси томонидан Ўрта Осиё хонликлари худудига ҳарбий юришларининг биринчи босқичида яъни 1847-1865 йиллар давомида забт этилган худудларда ўзининг мустамлака бошқарув тизимини ўрнатиш мақсадида дастлаб, 1865 йил 2 мартда Россия Сенатининг Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида Орол денгизидан Иссиққўлгача бўлган Ўрта Осиё хонликлари билан чегарадош худудларда Туркистон вилоятини ташкил қилиш тўғрисидаги фармони эълон қилинди. Бу худудда тахминан 453 минг киши истиқомат қилар эди [1, С. 19].

1867 йилда Россия империяси томонидан эгаллаб олинган барча худудларда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди, унинг таркибига дастлаб, иккита: маркази Тошкент бўлган Сирдарё вилояти ҳамда маркази Верний шаҳрида бўлган Еттисув вилоятлари киритилган [18, С. 20]. Демак, 1867 йилда Сирдарё вилояти ташкил этилган бўлиб, кейинчалик, босиб олинган худудлар ҳисобига қўшимча тарзда 1874 йилда ташкил этилган ва маркази Петроалександровск (Тўртқўл) бўлган Амударё бўлими ҳам Сирдарё вилояти таркибига киритилган [2, Б. 41-43].

XIX асрнинг охирига келиб, Сирдарё вилояти худудий жиҳатидан, шимолда Тўрағай ва Оқмола, шарқда Еттисув вилояти, жанубда Фарғона ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Бухоро амирлиги худудлари, ғарбда эса, Хива хонлиги ва Орол денгизи билан чегарадош бўлган Вилоят маъмурий жиҳатдан Тошкент, Черняев(эски Чимкент), Авлиёота, Перовкий, Казалинск уездлари, Амударё бўлими ва алоҳида маъмурий-бошқарув маркази бўлган Тошкент шаҳридан иборат бўлиб, жами майдони 439328 кв. версть (1 версть - 1,06 км.га тенг масофа)ни ташкил этган. Вилоятнинг умумий ер майдони уездлар ва Амударё бўлими худудларига нисбатан тақсимланганда қуйидагича бўлган: Тошкент уезди 24096 кв. верстни, Черняев(эски Чимкент) уезди 67392 кв. верстни, Авлиёота уезди 77120 кв. верстни, Перовкий уезди 82720 кв. верстни, Казалинск уезди 86688 кв. верстни ва Амударё бўлими эса 101312 кв. верстни ташкил этган [3, С. 3]. XX аср бошида яъни 1916 йилги маълумотларга қараганда, Сирдарё вилояти умумий аҳолиси 2978960 киши ташкил этиб, уларнинг 17.3 фоизи шаҳарларда яшаган [14, Б. 6]. Бундан кўриниб турибдики, вилоят аҳолиси асосий қисми қишлоқларда яшаб, асосан қишлоқ хўжалигида суғорма деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган.

XIX аср иккичи ярмида - XX аср бошларида Сирдарё вилояти маҳаллий аҳолисининг асосий машғулоти деҳқончилик ва зироатчиликни ташкил этиб, суғорма деҳқончилик соҳасида минг йиллар давомида орттирилган бой тажрибага эга бўлишган. Шунингдек, маҳаллий аҳоли ўлкадаги мавжуд суғориладиган ерлардан унумли фойдаланган холда, буғдой, пахта, арпа, шоли, жўхори, дуккакли

экинлар экиб, йилда икки, уч баъзан тўрт мартагача ҳосил олиш имконига эга бўлиб, деҳқончиликда маҳаллий миршикорлар ўзига хос анъаналарини ярата олган. Ўрта Осиё ҳудудлари Россия империяси томонидан босиб олинмасдан аввал ўлкада экиладиган экинлар ичида майдони кўплиги жиҳатидан галла биринчи ўринда турган. Ҳосилдорлик яхши бўлган йилларда ҳар десятина (1 десятина - 1,09 гектарга тенг) ердан 60 пудгача (бир пуд - 16 кг) ҳосил

олинган [10 С. 11]. Экин турлари ичида жўхоридан энг юқори 300 пудгача ҳосил олинган [15].

Туркистон ўлкасининг бошқа ҳудудлари қатори, Сирдаё вилояти ҳудудларида яшаган маҳаллий аҳоли қишлоқ хўжалигида экинларни алмашлаб экишда катта тажрибага эга бўлишган. Бу усул ерларнинг табиий унумдорлигини қайта тиклаш ва тупроқ таркибини яхшилашда ҳамда ўсимлик касалликларига қарши курашда муҳим рол ўйнаган. Экин майдонларида бир неча хил ўсимлик экилиб, маълум муддатдан кейин алмаштириб турилган. Масалан, пахта бир ерда 3-4 йил давомида экилиб, кейинги йилга ўрнига жўхори, буғдой ёки беда экилган. Экин турини алмаштириш учун тупроқнинг ҳолати, унумдорлиги, шўрланганлик даражаси ҳисобга олинган ва қайси экинни экиш деҳқонлар томонидан белгиланган.

Бу даврда Туркистон ўлкаси, хусусан, Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалигида ер-сув муносабатларини ўрганишда ер эгалиги турлари муҳим аҳамият касб этади. Россия империяси тасарруфига киргунга қадар, Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудлари сингари бу ерда ҳам ерга эгалик қилишнинг қуйидаги тўртта тури мавжуд эди. Булар: 1. Амлок яъни давлат ерлари; 2. хусусий мулк ерлар; 3. вақф ерлари, 4. жамоа мулки

ерларидан [8, Б.140] иборат бўлган. Энг кўп катта ерлар хон ёки амирларга тегишли "амлок" ерлар ҳисобланган. Масжид ва мадрасалар каби диний муассасаларга тегишли бўлган "вақф" ерлари эса, ундан кейинги ўринда туриб, улар барча солиқлардан озод этилган.

Россия империяси Ўрта Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатган сўнг, ўлкада дастлабки беш йил давомида ер эгалиги муносабатларида жуда эҳтиёткорлик билан сиёсат олиб борди. Фақатгина ўлкадаги "амлок" ерларни империя тасарруфига олиб, қолган барча ерлардан аввалгидек солиқлар олиб турилган холос. Империя ҳукумати Туркистон ўлкасидаги ер ва унга эгалик масаласини ҳал қилиш ҳамда тўғри аграр сиёсат олиб бориш, бу ерда янги ҳокимиятнинг сиёсий ўрнини мустаҳкамлашда жуда муҳимлигини яхши англаган. Ана шунинг учун ҳам ўлкани бошқаришда Туркистон генерал-губернаторлигининг биринчи генерал-губернатори К.П.Кауфман 1867-1881 йилларда ўлкадаги сиёсий фаолиятида давомида ерга эгалик масаласини хал қилиш ва бошқариш учун бир неча бор янги лойиҳаларни ишлаб чиқишга шахсан бошчилик қилган, баъзи ҳолатларда эса, у бу соҳада экспериментлар ўтказиб кўришга норасмий бўлса ҳам рухсат берган [11, С. 14]. Масалан, 1871 йилда Россия империясининг ўлкадаги ўз ҳокимиятини бирмунча мустаҳкамлаб олганидан сўнг, унинг ўлкадаги аграр сиёсати ҳам ўзгарди.

Россия империяси ҳукумати топшириғи билан К.П.Кауфман бошчилигида Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги янги Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди. У узоқ муҳокамалардан сўнг, 1873 йилнинг иккинчи ярмида тугалланди. Унга кўра, деҳқонларга тегишли деярли барча ерларни давлат мулки деб эълон қилиниши ва хусусий шахслар ҳамда жамоалар ерларини хусусий мулк мақомида эмас, балки муайян шартлар ҳамда чекланган эгалик ҳуқуқи асосида бўлишини таклиф қилди [7, С. 14]. Шундан сўнг, ўлкадаги барча ерлар қонуний асосда давлат

ерлари деб тан олиниб, ушбу ерлар ўтроқ аҳолига меросий жамоа-томорқа шаклида фойдаланиш ҳуқуқлари асосида солиқ тўлаш шарти билан берилди. Ўтроқ аҳоли томонидан эгаллаб турилган давлат ерлари уларга ердан фойдаланиш анъаналари асосида шу аҳолига умрбод фойдаланишга берилди бошланди [13, С. 14]. Бундан кўриниб турибдики, империя ҳукуматининг ўлкадаги ер эгалиги борасидаги сиёсатидан кўзлаган мақсади маҳаллий анъаналарга зарар етказмасдан йирик ер эгаларини заифлаштириш ва маҳаллий деҳқонларда мусатмлака маъмутиятига нисбатан ишонч уйғотиш эди. Бу йўл билан, империя ҳукумати биров бўлсада ўлкадаги барқарорликни сақлаб туришга ҳаракат қилган.

Туркистон ўлкасининг Сирдарё вилоятида, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги сингари қишлоқ хўжалигида суғорма деҳқончилик яхши ривожланган бўлиб, бу вилоят ҳудудларининг ерлари унумдор ва сув манбарига бой бўлганлиги сабабли ўлканинг энг кўп ҳосил етиштириб беривчи вилоятларидан бири саналган. Шунинг учун ҳам бу вилоятда ер эгалиги муносабатлари ўзига хос жиҳатларга эга эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, А.Шахназаровнинг "Сельское хозяйство в Туркестанском крае" номли китобида, Россия империяси ҳукумронлиги даврида ўлкадаги, хусусан Сирдарё вилоятидаги барча ерларни уч тоифага бўлади. Биринчи тоифага "мамлук" - давлат ерлари, иккинчи тоифага "мулк" - хусусий ерлари, учинчи тоифага эса, масжид, мадрасаларга тегишли "вақф" ерлари кирган. Шунингдек, муаллиф "мулк" ер эгалигининг ўзини яна тўртта тоифага бўлади. Улар: 1) "мулки хур" ёки "мулки холис", 2) "мулки - ушр", 3) "мулки-хирож", 4) "мулки ваҳми" кабилардан иборат [16, С. 64]. Бундан кўриниб турибдики, муаллиф фикрига кўра, ўлкадаги ерларга ким эгалик қилиш ҳуқуқига қараб учта катта тоифага бўлган бўлса, уларнинг ўзи ҳам ўз навбатида ер майдонининг ҳажми, ундан фойдаланиш тартиби, солиқлар ва турли тўловлар тўланишига қараб яна бир неча тоифаларга бўлинганлигини кўриш мумкин.

XIX аср охири - XX аср бошига келиб, бутун Туркистон ўлкаси суғориладиган ерларнинг умумий майдони тахминан 1.874.900 десятинани ташкил этиб, шундан, Сирдарё вилояти ҳудудидаги жами суғориладиган ер майдони 526.000 десятинани яъни бутун ўлкадаги суғориладиган ер майдонининг 28,1 фоизни ташкил этган. Сирдарё вилоятидаги барча суғориладиган ерларни асосан Сирдарё, Чирчиқ, Ангрэн, Арис, Бодом, Бўрижар, Чаён, Талас каби дарёлар сув билан таъминлаган. Биргина Чирчиқ дарёси (Сирдарённинг ўнг ирмоғи) бўйидаги суғориладиган ерлар 281.828 десятина бўлиб, ёки бутун вилоятнинг суғориладиган ерларни 53,6 фоизини ташкил этган [16, С. 87].

Н.Н.Александровнинг ёзишича, Россия империяси ҳукмронлиги даврида Сирдарё вилоятининг барча ерларини олти тоифага бўлинган бўлиб, уларга: 1) давлат ерлари; 2) кўчманчилар фойдаланадиган давлат ерлари;

3) маҳаллий аҳоли истиқомат қиладиган хусусий ерлари; 4) диний муассасалар ва ҳайрия ишларига тегишли вақф ерлари; 5) хусусий рус эгаларининг ерлари; 6) вилоятга кўчириб келтирилган бошқа миллатлар ихтиёрида бўлган кўчириш бўлимига тегишли ерлар кирган [3, С. 211]. Шунингдек, вилоятининг катта ҳудудини суғориладиган ерларни қай даражада сув билан таъминланганлигига қараб, уч қисмга бўлган. Биринчи қисмга сув билан яхши таъминланган Тошкент, Черняев (Туркистон участкасидан ташқари) ва Авлиёота уездларидан таркиб топган жануби-шарқий ҳудуд; иккинчи қисмга сув билан кам таъминланган Черняев (фақат Туркистон участкаси), Перовский, Казалинск уездлари иборат шимоли-ғарбий ҳудуд ва учинчи қисмга алоҳида турувчи Амударё бўлими (кам суғорилувчи ҳудуд)

[3, С. 12]. худудлари кирган. Демак, муаллиф тадқиқотида вилоятдаги ер эгалигини тоифаларга бўлинишида ундан нима мақсадда фойдаланганлигига ҳамда кимлар эгалик қилганлигига қараб бта тоифаларга ажратган бўлса, вилояти худудидаги ерларни сув таъминотига қараб эса худудий қисмларга бўлган.

Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида ҳосилнинг кўплигига асосий сабаблардан яна бири бу - суғориш тизимининг яхши ҳолатдалиги ва бой сув манбаларига эга эканлигидадир. Вилоятининг асосий сув манбаи Сирдарё ҳисобланади. Дарё Фарғона водийсидан бошланиб, Сирдарё вилояти худудига оқиб киради. Унинг ирригация намлиги бой бўлиб, Чирчиқ, Оҳангарон, Келес, Арис каби йирик ирмоқлари вилоятнинг катта қисмини сув билан таъминлаган. Ундан ташқари, Сирдарёнинг суви Перовский ва Казалинск уездларининг таҳминан 3000 десятина ерларини ҳам суғориб, сувнинг қолган қисми ишлатилмасдан Орол денгизига бориб қуйилган. Вилоятдаги сув манбаларининг катта қисми ирмоқлардан бошланиб, булар ичида Чирчиқ дарёси катта аҳамиятга эга ҳисобланган. У Тошкент уезди ва унинг атрофидаги худудларни сув билан таъминловчи асосий сув манбайи бўлиб, дарёда ўртача секундига таҳминан 60 куб сажен (1 сажен - 2,13 метрга тенг) сув оққан. Бу дарё сувининг 3/2 қисми вилоятни суғориш ишларига сарфланган [3, С. 12]. 1876 йилдаги Туркистон ўлкаси статистика материаллари маълумотларга кўра, Сирдарё вилоятининг маркази бўлган Тошкент ва унинг атрофидаги худудларнинг ҳам сув манбалари ҳақида тўхланиб ўтилган.

Унда Тошкент уезди ва унинг атрофидаги деярли барча худудларни суғорадиган сув манбалари Чотқал тоғ тизмасининг жануби-ғарбий этагидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёсидан олинади ва у шаҳардан саккиз мил (1 мил куруқликда - 1609 метрга тенг) жанубдан оқиб ўтиб, Чиноз шаҳри яқинига борганда Сирдарёга бориб қуйилши ҳақида маълумотлар бериб ўтилган [9, С. 261]. Шунингдек, XIX асрнинг иккинчи ярмида яъни 1883 йилда Сирдарё вилояти, хусусан, Тошкент ва унинг атрофида суғориш ишларини яхшилаш мақсадида, Россия империяси ҳукуматининг рухсати билан император Николай I нинг жияни бўлган князь Н.К.Ромонов Чирчиқ дарёсидан иккита йирик канал қиздирган бўлиб, биринчиси 50 верст узунликдаги "Искандар" номли канали. У 4163-4513 десятина ерни сув билан таъминлаган бўлса, иккинчиси, "Хоним" деб номланган ва унинг узунлиги 65 верст масофада бўган. Ушбу эса, 3215 десятина ерни сув билан таъминлаган [18, С. 37-38]. Лекин бу каналларнинг атрофида кўплаб рус пасёлкалари ташкил этилган. Шунинг учун сувдан кўпроқ рус миллатига мансуб аҳоли фойдаланган ва бу каналлар кўпроқ уларнинг мафаатларига хизмат қилган [5, Б. 122; 6, В. 51].

Вилоят худудидаги Сирдарёнинг бошқа ирмоғларидан бири бўлган Оҳангарон дарёси бўлиб, ундан оқадиган ўртача секундига 5 куб сажен ва Келес дарёсидан оқадиган ўртача секундига 1.5 куб сажен сувнинг деярли ҳаммаси Тошкент уезди худудидаги суғориш ишлари учун ишлатилган. Арис дарёси эса, Черняев (Чимкент) уездини сув билан таъминлаб, унда оқадиган ўртача секундига 4 куб сажен сувнинг атиги 4/1 қисми суғориш ишлари учун фойдаланилган. Авлиёота уездини Талас, Аса, Терс каби дарёлар сув билан таъминлаган бўлиб, буларнинг ичида Талас дарёси энг муҳими саналган. У уездни суғориладиган ерларининг 3/2 қисмини суғориб, ундан таҳминан ўртача секундига 6 куб сажен миқдорида сув оқиб ўтган. Авлиёота уездининг шарқий қисми Чу дарёсининг ирмоқлари билан суғорилган. Шу билан бирга, Черняев (Чимкент) ва Авлиёота уездлари дарё сувларидан ташқари, тоғ олди худудларидаги кўпгина булоқ сувлари орқали ҳам суғорилган

[3, С. 12-13]. Вилоятнинг Амударё бўлимидаги суғориладиган ерлари эса, асосан, Амударёнинг кўплаб катта-кичик ирмоқларидан сув оладиган канал ҳамда ариқлар орқали суғорилган [12, С. 81-82].

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, вилоятининг барча уездлар ичида Тошкент уездининг худуди сув билан яхши таъминланган ҳудуд ҳисобланган. Бундай дейишимизга сабаб, юқорида келтириб ўтилган Сирдарёнинг барча ирмоқлари (Арисдан ташқари) Тошкент уезди худудидаги ерлардан ўтиб, мавжуд экин майдонларини суғоришда кўплаб катта ариқлардан (маҳаллий каналлар) фойдаланилган. Бу ариқлар суғориш ишларини жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Н.Н. Александровнинг маълумотларига кўра, вилоятда жами 3006 та катта кичик ариқлар бўлиб, улар узунлиги 17151 версть ташкил этган. Бу ариқлар ёрдамида 600 000 десятина яқин ер майдон суғорилган бўлиб, шундан 70 000 деятинасига шולי экиладиган ерлар бўлган [3, С. 13].

Тарихчи олим Ҳ.Зияевнинг ёзишича, Тошкент воҳасида Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларидан чиқарилган 158 та катта ва майда ариқлар мавжуд бўлиб, улар 1 725 чақирим (1 чақирим - 1006 метрга тенг) узунликда 95 372 десятина ерни суғорган [5, Б. 124-125; 6, В. 52-54]. Бундан кўриниб турибдики, бу даврда Тошкент уезди ва унинг атрофида сунъий суғориш ишлар яхши йўлга кўйилган. Бундай ариқлар бошқа уездларда деярли учрамайди. Бу ариқларнинг кўпчилиги Чирчиқ дарёсидан бошланган. Масалан, Тошкент шаҳрини сув билан таъминловчи Бўзсув ариғида серсув бўлиб, ундан суғориш пайтида секундига ўртача 6 куб сажен сув оққан. Бу ариқнинг ўзидан 12 та катта ирмоқ ажралиб чиққан. Уларнинг орасида асосийлари Салар, Қорасув ва Анҳор ариқлари ҳисобланади [3, С. 13].

Вилоятдаги барча суғориладиган ерлар сувни асосан тоғ ён бағирларидан оқиб келадиган дарёлар, уларнинг ирмоқлари, кичик сойлар, жилгалар ва булоқ сувларидан олган. Жуда кўплаб қишлоқлар экин майдонлари тоғдан келадиган ариқлардан ҳам суғорилган. Маҳаллий деҳқонлар дарё тез оқадиган жойларида ёки айрим сой ва булоқ сувларини бир жойга тўплаб суғориш ишларига сарфлаш учун тупроқ, тош, ёғоч, қамиш, шох-шабба ва бошқа маҳаллий хомашёлардан тез ва арзон қуриладиган суғориш иншоотлари қуришиб, улардан кенг фойдаланган.

Бу даврда Сирдарё вилоятида суғориш учун ишлатилмаган сув заҳираси жуда ҳам оз бўлганлиги сабабли, бу миқдордаги сув билан қуриб бораётган ерларни ўзлаштириш қийин эди. Шу боис вилоятдаги бундай ўзлаштирилмаган ерлардан чорвачиликда фойдаланиш самаралироқ бўлган. Шунингдек, бу даврда мавжуд бўлган суғориш тизими қадим замонлардан бошлаб ташкил этилган ҳолича бўлиб, янги яъни замонавий суғориш намуналари хали мавжуд эмас эди. Суғориш каналлари ўзининг маҳобатлигига қарамасдан, улар энг оддий усулда қурилган. Вилоятда сувни тақсимлаш иншоотлари шлюз, тошли тўсиқлар ва шунга ўхшаш замонавий тўсиш мосламалар деярли бўлмаган. Айниқса, бу иншоотларнинг созлигини таъминлашда фойдаланиладиган усуллар жуда ҳам содда кўринишда бўлиб, бу нарса дарёлар ва йирик каналларнинг оқимини осон ўзгартириши билан характерланади. Туркистон ўлкасининг бошқа ҳудудлари сингари, Сирдарё вилояти худудида ҳам канал ва ариқларга сув етказиб беришда дамбадан фойдаланиб, бу сув иншоатини қуришда маҳаллий аҳоли шағал, харсангтош, қамиш, чим ва тол қозиқларидан кенг фойдаланган.

#### 4. Хулосалар:

ХІХ асрнинг иккинчи ярми - ХХ аср бошларида Россия империяси Туркистон

ўлкасида ўзинг мустамлакачилик сиёсатини ўрнатиши, ўлкадаги ер-сув муносабатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Биринчи навбатда, империя ҳукумати томонидан Турикстон ўлкасидаги забт этилган барча ерларни давлат мулки дея эълон қилиш масаласи илгари сурилди. Даставвал, фақатгина маҳаллий аҳолига тегишли "хусусий" ва диний муассасаларига қарашли бўлган "вақф" ерларидан бошқа ҳамма ерлар давлат мулки сифатида Россия империяси мулкига айлантирилди. Тез орада империясининг расмий амалдорлари ва бир қатор ер мулкчилиги масаласи билан шуғулланган комиссияларнинг ўлкадаги ер ва мулкчилиги муносабатларини тартибга солиш учун "хусусий" ва "вақф" ерларини ҳужжатларни ўрганиши натижасида, турли хил баҳоналар билан бу ерлар ҳам аста секинлик билан қўшимча солиқларга тортила бошланди ёки улар ҳам давлат тусаруфига ўтказила бошланди. Оқибатда, "хусусий" ва "вақф" ер эгалиги шакллари жудаям қисқариб кетшига олиб келди.

Масалан, Туркистон ўлкасида 1909 йилдаги сенатор К.К.Пален томонидан ўлканинг Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларидаги ўтказган тафтиш комиссияси маълумотида кўра, маҳаллий аҳолига тегишли хусусий ер майдонининг ҳажми 19.7 минг десятинани ташкил этиб, бу умумий экин майдонинг бор-йўғи 1 фоизини ташкил этганлигини таъкидлаб ўтган бўлса, "Туркистон ўлкаси халқ хўжалиги таснифлаш материаллари"да бу рақамлар 19 721 десятина эканлиги келтириб ўтилган ва бу учта вилоятнинг умумий экин майдонини 0.03 фоизини ташкил этган [17, С. 36-37]. Шу билан бирга, Туркистон ўлкасидаги барча вилоятлар сингари, Сирдарё вилоятида ҳам ер эгалиги муносабатлари аввалги турлари ўрнига империя мафаатларига мошлаштириб, ерларга эгалик қилиш ҳуқуқига кўра бир неча тоифаларга ажратилди.

Шунингдек, бу даврда Сирдарё вилоятида деярли барча ҳудудлари сув манбаларига бойлиги учун ерлари унимдор ва серҳосил бўлган. Вилоят ўлкадаги энг даромадли ҳудудлардан бири ҳисобланиб, Россия империяси бу ҳудуднинг асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, пахта хомашёсига эгалик қилиш ҳамда уни шу ҳудудда етиштиришни кўпайтириш энг катта мақсадидан бири бўлган. Бу мақсади эса, империя маъмуриятини ўлкадаги суғориш ишларига эътибор қаратишга мажбур этган. Лекин бу кўп куч ва ҳаражат талаб қилганлиги сабабли рус маъмурлари бу соҳада йирик ишларни ҳар доим ҳам амалга ошира олмаган. Айрим суғориш ишлар билан боғлиқ масалаларни хал қилиш маҳаллий деҳқонларнинг ўзларига ташлаб қўйилган.

XIX асрнинг охири - XX аср бошларига келиб ҳам вилоят маҳаллий аҳолиси ерларни суғориш ишларида катта тажрибага эга бўлган. Суғориш тизимида унчалик ҳам тажриба эга бўлмаган империя амалдорлари бу соҳага оид бирор бир масалани ечимини топишда тажрибали маҳаллий аҳоли вакили таянган. Ўз навбатида бу Россия империясини ўлканинг суғориш ишларига етарли даражада аралаша олмаганлигини ҳамда ер-сув муносабатларида бошқарувни ўз кўлида тўлиқ ушлаб туролмаганлигидан далолат беради. Вилоятнинг барча ҳудудларидаги сув манбарига бой дарёлар ҳамда уларнинг ирмоқлари серсув эканлиги ҳамда суғориш ишларида маҳаллий деҳқонларнинг бундан унумли фойдалана олганлиги, вилоят деҳқончилиги маданиятида суғориш ишларининг ўзига хос тараққий этганини кўрсатади.

**Иқтибослар/Сноски/References**

1. Абдурахимова Н.А., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX - I четверти XX в.в. -Т.: Университет. 1999. -С. 19. (Abdurahimova N.A., Rustamova G. The colonial system of power in Turkestan in the second half of the XIX - I quarter of the XX century -Т.: University. 1999. -P. 19.)
2. Абдурахимова Н.А., Эргашев Ф.Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. -Т.: Академия, 2002. -Б. 41-43. (Abdurakhimova N.A., Ergashev F.R. The Tsarist colonial system in Turkestan. -Т.: Academy, 2002. -P. 41-43.)
3. Александров Н.Н. Земледелие в Сыр-Дарьинской области. -Т.: Часть 1-2, 1916. -С. 1,2,3,12,13,211. (Alexandrov N.N. Agriculture in the Syr-Darya region. -Т.: Part 1-2, 1916. -P. 1,2,3,12,13,211.)
4. Дингельштедт Н. Опыт изучения ирригации Туркестанского края. Сыр-Дарьинская область. Часть I-II. -С-Пб.: 1893.-С. 513. (Dingelstedt N. Experience in studying the irrigation of the Turkestan Territory. Syr-Darya region. Part I-II. -S-Pb.: 1893. -P. 513.)
5. Зиёев Ҳ. Тарих - ўтмиш ва келажак кўзгуси. -Т.: Адабиёт ва санъат, 2000. -Б. 122-125. (Ziyoyev H. History is a mirror of the past and the future. -Т.: Literature and Art, 2000. -P. 122-125.)
6. Ziyoyev H. O'zbekiston mustamlaka va zulm iskanjasida (XIX asr ikkinchi yarmi - XX asr boshlari). -Т.: Sharq, 2006. -Б. 52-54. (Ziyoyev H. Uzbekistan is in colonialism and oppression (the second half of the XIX - the beginning of the XX century). -Т.: East, 2006. -P. 352.)
7. Кастельская З.Д. Из истории Туркестанского края (1865-1917). -Москва.: Наука, 1980. -С. 41. (Kastelskaya Z.D. From the History of Turkestan (1865-1917). -Moscow: Nauka, 1980. -P. 41.)
8. Қодиров А. Ўзбекистон ирригация тарихидан лавҳалар (XIX аср ўрталаридан 1920 йилгача). -Т. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1998. -Б. 140. (Kadyrov A. Scenes from the history of irrigation in Uzbekistan (from the middle of the XIX century until the 1920s). -Т. Publishing house of national heritage named after A.Kadiry, 1998. -P. 140.)
9. Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник. Выпуск IV. -С-Пб.: 1876. -С. 261. (Под. ред. Н.А.Маева). (Materials for statistics of Turkestan region. Yearbook. Issue IV. -SPb.: 1876. -P.261. (Under the editorship of N.A. Maev))
10. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. -Т.; ЦСУ Туркеспублики, 1922. -С.11. (Remez I.A. Foreign trade of Bukhara before the World War. -Т.; TsSU Turkrepublics, 1922. -P. 11.)
11. Савицкий А.П. Поземленный вопрос в Туркестане (в проектах и законе 1867-1886 гг.) -Т. 1963. -С. 14. (Savitsky A.P. The grounded issue in Turkestan (in projects and law of 1867-1886 yy.). -Т. 1963. -P. 14.)
12. Сарыбаев К.С. История орошения Каракалпакстана (с конца XIX века до наших дней). -Нукус. Каракалпакстан, 1995. -С. 81-82. (Sarybaev K.S. The history of irrigation in Karakalpakstan (from the end of the XIX century to the present day). -Nukus. Karakalpakstan, 1995. -P. 81-82.)
13. Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана накануне Октября. -Т.: Фан, 1973. -С. 14,20. (Socio-economic and political situation of Uzbekistan on the eve of October. -Т.: Fan, 1973. -P. 14, 20.)

14. Суюнова А. Туркистонда 1916 йилги миллий озодлик кураши (Сирдарё вилояти мисолида). т.ф.н. дисс.... -Т.: 1997. -Б. 6. (Suyunova A. The national liberation struggle of 1916 in Turkestan (Syrdarya region). Dissertation of candidate of historical science. -Т.: 1997. -P. 6.)
15. ЎЗМА Ф-126, рўйхат -1, иш- 115, 2 - варақ. (NAU F-126, list -1, work- 115, page 2.)
16. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. -СПб.: 1908. -С. 64,87. (Shakhnazarov A.I. Agriculture in the Turkestan region. -SPb .: 1908, - P. 64, 87.)
17. Юлдашев А.М. Аграрные отношения в Туркестана (конец XIX - начало XX вв.). -Т.: Узбекистан, 1969. -С. 36-37. (Yuldashev A.M. Agricultural relations in Turkestan (late XIX - early XX centuries). -Т .: Uzbekistan, 1969. -P. 36-37.)
18. Юнусходжаева М.Ю. Из истории землевладения в до революционном Туркестане. -Т. 1970. -С. 20, 37-38. (Yunuskhodzhaeva M.Yu. From the history of land ownership in pre-revolutionary Turkestan.-Т.1970.-P.20, 37-38.)
19. Юферов В.И. Сельскохозяйственный обзор Туркестанского края. -Т.: 1911. -С. 76. (Yuferov V.I. Agricultural review of the Turkestan region. -Т .: 1911. -P. 76.)



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

**ЎТМИШГА НАЗАР**

---

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

---

**LOOK TO THE PAST**

**№4 (2020)**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000